Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 123 (21. 222) 1992 йил 24 июнь, чоршанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

БАРЧА МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН

И. А. КАРИМОВ Индонезияда

⊙ Индонезия Президенти Сухарто бу мамлакатга расмий давлат ташрифи буюрган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Осиёдаги икки мамлакат бошлиқлари қисқача нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон раҳбари Индонезияни дунёда бизга энг яқин ва дўст давлатлардан бири,' деб атади. Бу тушунча маданият, дин ва анъаналар муштараклигигагина эмас, айни вақтда мустаҳкам тинчлик, халқаро хавфсизликка ялпи интилишга ҳам асосланади. И. А. Каримов Индонезиянинг ижобий бетарафлик сиёсатига, унинг Жануби-Шарқий Осиёда тинчликни таъминлаш ва Осиё—Тинч океан минтақасини ядросиз зонага айлантириш соҳасидаги куч-ғайратларига юқори баҳо берди.

Биз ирқчиликка ва апартеидга қарши, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун курашаётганимиз туфайли ҳам бирлашиб турибмиз, деб уқтирди Ўзбекистон Президенти.

И. А. Каримов Ўзбекистон билан Индонезиянинг иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятларига тўхталиб, ҳозир, республикамиз ўз бойликларининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолган бир пайтда оқилона иқтисодий сиёсат туфайли у бир неча йил мобайнида баркамол мамлакатлар даражасига етиб олиши мумкин, деб таъкидлади. У Индонезия каби мамлактлар бу ишда Ўзбекистонга кўмаклашсалар, ўзлари ҳам наф кўришлари мумкинлигига ишонч билдирди.

И. А. Каримов яқин вақт ичида Индонезия билан Ўзбекистон бир-бирларига элчилар юборадилар, деб умид изҳор этди.

Президент Сухарто ўз сўзида Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганини табриклади ва иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга азму қарор берганини изҳор қилди. У Ўзбекистонни янги, адолатлироқ жаҳон иқтисодий тартибини ўрнатиш учун биргаликда курашишга чақирди.

Индонезия Президенти яна бундай деб таъкидлади: менинг фикримча, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ҳозирги ташрифи иккала давлат ва иккала халқ ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш имконини беради.

(ЎзА).

● ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА

КЕЛЕСДА КУЧЛИ ТОШҚИН

Табиат инсон иродасини синашни давом эттирмоқда. Ўтган якшанба куни пешиндан кейин Тошкент яқинидаги Келес шаҳри устида кучли шамол суриб келган қора булутлар қўланкаси пайдо бўлди. Момақалдироқ гумбурлаб, аввал дўл, сўнгра жала қуя бошлади. Жала шаҳди ортгандан ортиб, ҳовли рўялари сувга тўлди.

Орадан ярим соат чамаси вақт ўтгач, Темур Малик кўчасининг юқори томонидан одамлар қий-чуви, болалар йиғиси эшитилди. Кўчаларни тўлдириб оқаётган сув уйларга уриб, дуч келган нарсани оқизиб кета бошлади.

Захариқ росмана тошиб, темир йўл остидан ўтган қувур торлик қилиб қолди. Тўпланган сув 1,5 метр юқори кўтарилди.

Маҳаллий ҳокимликкина эмас, бутун вилоят оёққа турди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Маҳмудова, вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, генерал-майор Н. Исмоилов қутқариш ишларига бош-қош бўлишди. Биринчи навбатда аёллар, қариялар ва болалар хавфсиз жойга олиб чиқилди. Район ўт ўчириш жамоаси ва хўжаликлардан келган мададкорлар тошқиндан азият чекканларни бошпана билан таъминлашга, уларнинг буюмларини сақлаб қолишга киришдилар. Одамлар чойхона, клубларга, қўни-қўшнилар уйларига жойлаштирилди. Уларга бепул иссиқ овқат берилмоқда.

Шаҳар марказидаги «Йўлдош» кинотеатри биносида тошқин оқибатларини бартараф этиш комиссияси тузилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 500 га яқин хонадон шикастланган, 40 га яқин пойдевори бўш уйлар босиб қолган. Табиий офат келтирган умумий зарар аниқланмоқда. Банкда аҳолига ёрдам ҳисоби очилди. Бу ҳисобга дастлабки маблағ келиб туша бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов эрта тонгдаёқ тошқин бўлган жойга келди. У хонадонларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Ҳукумат маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда аҳолига зарур ёрдам беради, деб уқтирилди.

...Бобур, А. Қодирий, Темур Малик кўчалари бўйлаб юрамиз. Бир кун илгари бу ерда ҳеч нима рўй бермагандек, осмон мусаффо, қуёш еру кўкни бирдек қиздирмоқда. Бироқ юлқиланган гулзорлар-у лой остида қолган уйрўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари табиатнинг бешафқатлигини эслатиб турибди, холос.

— Тошқин оқибатларини тугатишда ҳеч ким четда қолаётгани йўқ, — дейди Тошкент райони ҳокими Р. Акбаров. — Бу ердаги ҳар бир хўжалик ўнтадан уйни ремонтдан чиқариб бериш, оилалар аъзоларини озиқ-овқат билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олди.

Табиат ҳуружи одамларнинг ҳаловатини бузди. Аммо инсоний меҳр-оқибат уларга далда бўлди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Чиноз районидаги «Олмазор» давлат хўжалиги боғларида сархил мевалар аҳоли дастурхонига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Моҳир боғбон Уктамхон Содиқова ўғли Равшан билан меҳнатда фидойилик кўрсатишяпти. Оилавий пудрат асосида ишлаб, илғорлар қаторидан ўрин олишмоқда.

СУРАТДА: она-бола Уктамхон опа ва Равшан олмазорда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

НИҲОЛЛАР ШОНАЛАМОҚДА

— Қовчинликлар меҳнатсевар халқ, — дейди деҳқонлар отахони Яхши бобо Омонов. — 60-70-йилларда хўжаликка раҳбарлик қилган пайтларимни эслайман. Ўшанда ҳам у ёки бу табиий офат рўй бериб, деҳқонлар мушкул аҳволда қоларди. Лекин тадбиркорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан иш тутиб қийинчиликлар мардонавор енгиларди. Мўлжалдаги ҳосилни етиштирардик. Насиб этса, бу йил ҳам дағда қолмаймиз.

Қишлоқ оқсоқолининг айтганича бор. Чиндан ҳам деҳқон учун енгил келган йилнинг ўзи йўқ. Аммо «Қовчин» давлат хўжалиги Қарши районида шу йил баҳорда энг оғир талофат кўрган совхозлардан бири, десак хато қилмаймиз. Бешқудуқ массивида 400 гектар ерга экилган чигит ёмғир ва жала оқибатида сел остида қолиб, чириб кетди. Ғалла, боғ-роғлар шикастланди. Давлат хўжалиги директори, ХДП аъзоси С. Хўжақулов бошлиқ табиий офат оқибатларини бартараф этиш штаби аъзолари кечаю-кундуз жонбозлик кўрсатишди. Натижада қисқа вақтда аҳвол ўнгланди. Офатдан зарарланган майдонларга қайта тезпишар навли чигит экилди. 70 гектар маккажўхори майдонига қайта уруғ ташланди. Боғ-роғлар ҳам тартибга келтирилди. Офат зиёни тугатилди.

Шу кунларда қайта экилган майдонларда униб чиққан ниҳоллар қийғос шоналамоқда. Айниқса, офат билан юзма-юз курашган М. Ҳазратқулова, Р. Нодиров, Т. Одилов, Н. Тўхтаев, Х. Эрбоев бошлиқ бригада аъзолари далаларида қайта экиб ундириб олинган ниҳолларнинг авжи баланд. Ғўзалар бир текис шоналамоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда иқтисодий, сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда кадрларнинг роли ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини М. Ибодуллаев маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ҳозирги иқтисодий танглик ҳукм сураётган мураккаб дамларда вазиятни ҳар тарафлама барқарорлаштиришда вилоят, шаҳар, район ҳокимиятлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирдилар, ўзаро фикр алмашдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умрзоқов, вилоят ҳокими Б. Маҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

А. УМАРОВ.

• Ўзбекистон—Қозоғистон:

Президентлар Туркистонда учрашадилар

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев 24 июнь куни Қозоғистондаги қадимий шаҳар — Туркистонда учрашадилар. Икки қўшни давлат бошлиқлари бу ерда тарихда 'биринчи марта Мустақил республикалар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани имзолайдилар.

Сиёсий кузатувчилар бу ҳужжат икки давлат ўртасида иқтисодиёт, илм-фан ва маданият, маориф ва ижтимоий соҳаларда муваффақиятли ривожланаётган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди, дейишмоқда. Шартнома миллий-давлат қурилишининг умумий мураккаб вазифаларини ҳал этаётган иккала мамлакатнинг кучғайратларини бирлаштириш учун янги истиқболларни очишига шубҳа йўқ.

Президентлар И. А. Каримов билан Н. А. Назарбоев Туркистондаги учрашувдан ва шартнома имзоланганидан сўнг Қозоғистондаги Чимкент вилоятининг Чордара районига боришни режалаштирмоқдалар.

(ЎзА).

• ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН •

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИДАГИ МУЛОҚОТ

Мен Шароф аканинг вафотидан кейин жумҳуриятимизга қузғундай ёпирилиб келган «десантчилар» ҳақида кўп ўйлардим. Лекин улар билан кураш нақадар оғир кечгани ҳаво йўлларидаги мана шу суҳбат чоғидагина аён бўлди менга. Ахир, Марказдан ўзимиз сўраб олган (сўраб олган тилгинамиз кесилгай!) бу корчалонларнинг кирдикорларини фош қилишга журъат этилганда уларнинг тиргаклари ҳали мустаҳкам эди-ку! Ҳали Горбачеву Лигачевлар бутун мамлакатни зир титратиб туришган эди-ку!

⊙ Россия билан шартнома тузгани Москвага ташриф буюрган ҳукумат делегацияси таркибида камина ҳам бор эди. Сафардан қайтган кунларим газеталардан телефон қилишиб, таассуротларимни ёзиб беришимни илтимос қилишди. Мен: «Шартнома ҳақида иқтисодчи олимлар ёзишсин», десам, улар: Биз сизга ёзувчи сифатида мурожаат қиляпмиз, дейишди.— Сафар ҳақида ўз таассуротларингиз бўлса керак. Балки, яхши суҳбатлар, қизиқ, ибратли гаплар бўлгандир, дейишди. Дўстларим ҳақ: одамлар бош раҳбар тўғрисида кўпроқ билгиси келади. Лекин юрт оғаси тўғрисида нимани биламан! Ҳикоя қилишга арзигулик бисотимда нима бор! Мен ўйланиб қолдим.

СОБИҚ СССР халқ депутатларининг биринчи съезди. Охирги кун. Мажлис бошланишидан сал олдин залга кириб борсам, олдимдан Ислом Абдуғаниевич чиқиб қолдилар. Юзимга тикилиб:

— Ҳа, Одил ака, — дедилар, — нега жуда хомуш кўринасиз?

У пайтларда Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёда ишлар, биз фақат салом-алигимиз бор эди, холос. Лекин тўлиб турган эканман, ёрилдим:

— Нега хомуш бўлмай, Ислом Абдуғаниевич? — дедим. — Кечалари уйқу йўқ. Тошкентдан ҳар куни телефон қилишади: ҳамма депутатлар ўз халқининг дардини ошкора айтишяпти, ёлғиз сизлар оғизларингизга талқон солиб ўтирибсизлар, дейишяпти... Бу ёққа келишимизда бизни бир халқ кузатиб қўйган бўлса, эртага қайтиб борганимизда батамом бошқа халқ кутиб олади. Телевизор ҳамманинг кўзини очди. Биз сайловчиларимизга нима деймиз, кўзларига қандай қарайлмиз? Назаримда, раҳбаримиз буни тушунмаяптилар.

Ислом Абдуғаниевич «тўғри», деган маънода бош иргадилар.

— Биз ҳам, бир нечта обком котиблари кечаси шу ҳақда гаплашдик. Ҳақиқатан, биронта жиддий нутқ бўлмади. Агар сир бўлмаса, агар сизга сўз берилса, нима ҳақда гапирасиз?

— Нима ҳақда бўларди? Бир кило пахтамиз пулига Олой бозорида ярим кило бодринг беришмайди. Пахтакорларимизнинг аҳволи Америка плантацияларида ишлаган занжиларнинг аҳволидан ҳам ёмон. Ҳатто илгариги рус савдогарлари ҳам бир пуд пахтага ўн олти пуд ғалла беришган...

(Давоми иккинчи бетда).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Андижон

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ХДП вилоят кенгашида шаҳар ва район партия кенгашлари котиблари, партия тафтиш комиссиялари раислари, партия ташкилотчилари ва тарғиботчилар иштирокида семинар бўлди. Уни вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби А. Раҳимов олиб борди. Пахтаобод ва Избоскан район партия кенгашларининг иккинчи котиблари Х. Саидов ва Т. Қўчқоров зилзиладан зарар кўрган қишлоқларнинг аҳолисига кўрсатилаётган амалий ёрдам, Кўрғонтепа район партия кенгаши иккинчи котиби Қ. Қорабоев табиий офатдан зарар кўрган жойларда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапириб бердилар. Вилоят кенгашининг котиби Р. Мухторов партия ташкилотларида мафкура ишларини ташкил этишнинг самарали ва таъсирчан усул ва услублари ҳақида сўзлади. Семинарда шунингдек, партия бюджетини яна такомиллаштириш ҳақида ҳам фикрлашиб олинди. Семинар иштирокчилари ўзаро тажриба алмашдилар.

ИШОНЧ

Куни кеча Избоскан районидаги Шермат Юсупов номли жамоа хўжалиги партия йиғилишида тўрт кишининг аризаси муҳокама қилинди. ХДП аъзолари ўз тақдирларини Халқ демократик партияси билан боғлашга қарор қилган ҳамкасбларини ўз сафларига қабул қилдилар. Улар орасида бригада бошлиғи Озодбек Умматов ҳам бор эди. Дала ишларини сифатли ва уюшқоқлик билан олиб боришда бу бригада ҳамиша ўрнак кўрсатяпти. Ҳозир бригада даласида ғўза тез ривожланмоқда.

— ХДП Низоми ва Дастури билан чуқур танишдим. Унинг сиёсати менга маъқул тушди. Шу туфайли партия сафига ўтишга қарор қилдим, — деди О. Умматов. — Сафимиз кенгайиб боряпти. Чунки кишилар партиянинг мақсади ва вазифалари моҳиятини тушуниб етмоқдалар. Дала шийпонларида партия Дастури ва Низомини ўрганишни ташкил этдик. Бу иш мунозара тарзида олиб бориляпти. Ижарачилардан Убайдулло Нишонов, Валижон Қосимов, пахтакор Ҳурсанд Хўжамовлар ҳам ХДП сафига кирдилар.

Избоскан район партия кенгаши тарғибот-ташвиқот ишларини яхши олиб бораётгани сабабли ўтган апрель ва май ойларидаёқ ХДП сафи 400 нафарга ортди.

КОТИБЛАР СЕМИНАРИ

ХДП Пахтаобод район кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарини ўтказди. Район партия кенгашининг биринчи котиби Н. Ғафуров ХДП Марказий Кенгаши IV пленумидан кейин партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида, район кенгашининг иккинчи котиби Ҳ. Саидов эса бошланғич партия ташкилотлари ишининг таъсирчан ва самарали иш усули ва услублари ҳақида маъруза қилдилар. Семинарда шунингдек, партиявий-ташкилий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида ҳам ўзаро фикрлашиб олинди.

ТАШКИЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ВА ПЛЕНУМЛАР

Вилоят таркибида Булоқбоши районн ташкил этилиши муносабати билан ХДП район ташкилотининг 1-конференцияси бўлди. Унда район партия ташкилотини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Район партия кенгаши ва район партия ташкилоти тафтиш комиссияси таркиби сайланди.

Район партия кенгашининг биринчи ташкилий пленуми бўлиб, унда Абдувосит Холматов район партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Конференция ва пленум ишида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров иштирок этди.

* * *

Хўжаобод район партия кенгашининг ҳам ташкилий пленуми бўлди. Унда А. Холматов Булоқбоши район партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланганлиги муносабати билан Хўжаобод район партия кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Илгари Хўжаобод район партия кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Ойтожи Ҳожимуродова ХДП район кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида ХДП вилоят кенгашининг биринчи ва иккинчи котиблари Н. Шокиров, А. Раҳимов иштирок этдилар.

Н. ИСМОИЛОВ,
ХДП Андижон вилоят кенгаши матбуот марказининг раҳбари.

Навоий

МАСЪУЛЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

● ХДП Навоий район кенгашининг яқинда ўтказилган бюро мажлисида асосан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқ таълими ходимларига берилган имтиёзларнинг амалга оширилиши кенг муҳокама қилинди. Бюро мажлисида айниқса ўқитувчиларнинг халқ истеъмоли моллари билан таъминланишига эришиш, уларга ер участкалари ва дала ҳовлилари ажратиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, халқ таълими ходимларини қурилиш материаллари билан таъминлаш, қишлоқ мактаблари қурилишини тезлатиш чора-тадбирлари ҳам белгиланди. Ушбу масалалар бўйича район ҳокими М. Иброҳимов, район халқ таълими бўлими мудири Н. Худоёров, «Нарпай» давлат хўжалиги директори А. Норқулов, Хазора қишлоқ Кенгаши раиса М. Кенжаевалар фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бюро мажлиси ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ХДП аъзолари ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини янада ошириш зарур, деган якуний қарор қабул қилди.

ТАЛАБАЛАР ЖАМҒАРМАСИ

● ХДП Нурота район кенгаши фаоллари ташаббуси билан яқинда талабалар фонди ташкил этилди. Бундан мақсад олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган нуроталик талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Мазкур фондга дастлаб ХДП район кенгаши минг сўм маблағ ўтказди. Шунингдек район хўжаликлари ва ташкилотлари ҳам ушбу хайрли ташаббусни маъқуллаб, озми-кўпми маблағ ўтказишяпти. Ҳозиргача бу фондга 150 минг сўмга яқин маблағ тушди. Унинг асосий қисми эса кам таъминланган талабаларга 100 сўмдан қилиб бўлиб берилди. Ушбу фонд раиси — район ҳокими, муовини эса ХДП район кенгашининг иккинчи котибидир. Эндиликда ана шу маблағдан талабаларнинг йўлкира ҳақларидан бир қисмини тўлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилаяпти.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

● Наврўз районидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида ХДП аъзолари 92 нафардан ошди. Шунингдек, бош ҳисобчи С. Фармонов, иқтисодчи Ю. Миразаева, механизатор З. Файзиев, колхозчи К. Қобилов каби яна 15 нафар ишлаб чиқариш аъзолари ишонч ва эътиқодлари билан ХДПга аъзо бўлишди.

— Қўлимда яна цех партия ташкилоти таъсис этган ўнга яқин аризалар бор, — деди ХДП бошланғич ташкилоти котибаси Мавлуда Худоёрова. — Демак Халқ демократик партиясининг собиқ КПССдан устиворлиги, унинг нуфузи ошиб бораётганлигини хўжалигимиз партия ташкилоти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

• ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН •

ҲАВО ЙЎЛЛАРИДАГИ МУЛОҚОТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ислом Абдуғаниевич бир дақиқа хаёлга толгач:

— Хўп, — дедилар гапимни маъқуллаб.— Мен ҳозир Нишоновга бориб айтаман. Бугун сўз олиб берсин сизга.

У киши қаёққадир кетдилар-у сал ўтмай қайтиб келдилар:

— Сизга сўз бериладиган бўлди. Фақат илтимос: гапнинг пилигини кўтарасиз.

Бир одамни ҳурмат қилиш учун нима керак? Баъзан ўша одамнинг бир оғиз илиқ гапи-ю қийин вазиятда қўл чўзиши кифоя!..

* **

ТЎҚСОН биринчи йил. Жазирама ёз. Ёзувчилар боғида бўлғуси қурултойимизда қилинадиган маърузани ёзаяпман. Тўсатдан телефон жиринглади. Трубкани олсам... Президент! Салом-аликдан кейин дабдурустдан:

— Кечаги... «Комсомольская правда»даги хабарни ўқидингизми? — деб сўради овози титраб. — Гўё Эркинжонга суиқасд бўлганмиш?... Эркинжонни кўрмадингизми? Кўрган бўлсангиз нима деди?

— Эркинжон айтдики, Горький майдонидан ўтаётганимизда машинамизга бир нима тегиб даранглаб кетди. Биз тош тегди деб ўйлаб тўхтамай кетавердик. Эртасига гараждаги шофёрлар кўриб, тош эмас, ўқ теккан, дейишибди. Мен нима ҳам дердим. Экспертиза аниқлар, деяпти Эркинжон.

Орага бир дақиқа жимлик чўкди. Сўнг Президент хиёл ранжиган овозда:

— Бунақа экан, нега Бобожонов деган ходимингиз экспертизанинг хулосасини кутмасдан бу ёмон гапни дунёга овоза қилади? Ахир, наҳот биз халқимизнинг севикли шоирига суиқасд бўлишига йўл қўйсак?

Мен нима дейишимни билмай сукут сақладим.

— Мана, биз бу ерда бир гуруҳ олимларни тўплаб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида одамларнинг оғирини қандай қилиб енгил қиламиз, деб эрталабдан бери бош қотириб ўтирибмиз, — деди Президент ҳамон ўша ранжиган овозда. — Сизлар эса... Халқимизнинг ишонган тоғлари, ёзувчилар эса... Кишининг жонини қақшатадиган гапларни тўқийсизлар?..

Жавоб бериб улгурмадим. Трубкада гув-гув овоз эшитилди.

Агар янглишмасам эртасига шанба эди. Бу воқеалардан кўнглим ғаш, бир-икки ёр-биродарлар билан сал ёзилиб келгани «дала»га чиқиб кетдим. Кечроқ қайтсам... чорбоғимиз ёнида ўғлим кутиб турибди. Чеҳрасида ҳаяжон, ташвиш аломатлари.

— Қаёқларда юрибсиз, дада?

— Ҳа, тинчликми, болам?

— Тинчлик. Президент келдилар...

Ҳайратга тушдим.

— Президентни танийсанми, ўзинг?

— Қизиқмисиз, дада.

— Бир ўзлари келдиларми ё...

— Бир ўзлари... Енларида ҳатто соқчилари ҳам йўқ. Аввал Эркин аканинг боғларини сўрадилар (Эркинжон билан боғларимиз ёнма-ён). Ярим соатлардан кейин чиқиб сизни йўқладилар. Мен, шаҳарга тушиб кетдилар, дедим. У киши:

— Дадангизга салом айтиб қўйинг, дедилар. Кейин Эркин акани машиналарига ўтқазиб бирга кетдилар. Чамаси уйда бўлганингизда сизни ҳам олиб кетар эдилар.

«Бир дардларимизни айтадиган пайт келган экан, фурсатни бой берибман-да!» — дедим ичимда. (Ҳақиқатан ҳам кейин билсам Эркинжон билан яхши суҳбат қуришибди). Айни замонда бир кун аввал қаттиқ ранжиб гапирган раҳбарнинг эртага гина-кудуратни унутиб суҳбатлашгани келгани жуда ёқди менга (Бировни ранжитса ҳам ўз гапидан қайтмайдиган раҳбарлардан асрасин худо!).

* **

Бултур баҳорда Туркманистон билан шартнома тузгани Ашгабадга бордик. Ҳукумат делегацияси таркибида профессор Азиз Қаюмов ҳам бор эди. (Туркманистон пойтахтида буюк бобомиз Навоийга бағишланган катта адабий кеча бўлиши кутиларди).

Самолётга киришимиз биланоқ Президент ҳаммамизни ўз салонига таклиф қилиб, Азиз акадан Навоий ижодидан гапириб беришларини илтимос қилдилар. Азиз ака ҳам шуни кутиб турган эканлар, бобомиз ижодидан гап бошлаб, бора-боргунча ҳазратларининг шеърларини ёддан ўқиб кетдилар. Манзилга қандай етиб борганимизни билмай қолибмиз. Самолётдан тушар эканмиз, Ислом ака ярим ҳазил, ярим чин оҳангда:

— Лекциянгиз учун раҳмат, Азиз ака, — дедилар кулиб. — Навоий асарларини бошдан-оёқ ўқиб чиққандек бўлдик.

Тўғрисини айтсам, у кишининг адабиётга қизиқиши, улуғ бобомиз шеърларини бора-боргунча катта эътибор билан эшитиб бориши яхши аломат бўлиб туюлди менга.

* **

Бу сафар Москвага учганимизда ҳам, самолётимиз осмонга парвоз қилиши биланоқ, Ислом Абдуғаниевич делегация аъзоларидан бир-икки кишини ўз «хона»ларига таклиф қилдилар.

Аввал бошда мамлакатдаги иқтисодий танглик, Россия билан тузилажак шартнома ва унинг моҳияти ҳақида гап кетди-ю, кейин Ислом Абдуғаниевич менга юзланиб, Машраб юбилейи қандай ўтганлиги тўғрисида сўраб қолдилар.

Мен тўй яхши ўтганини, Тошкентда Навоийга қандай боғ барпо қилинган бўлса, Наманганда ҳам худди шундай катта боғ яратилганини гапириб бердим. Бу боғнинг очилишида мингларча одам иштирок этганини, маросим катта тўйга айланиб кетганини, хуллас, бобомизнинг руҳини шод этиб, буюк савоб иш қилганимизни сўзлаб бердим. Бобомиз Шоҳ Машраб:

«Намангандан кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму? Ғариблик шаҳрига борсам, мени йўқлар кишим борму?», деган эканлар, мана, бутун ўзбек халқи йўқлади, чексиз меҳр, чуқур ҳурмат билан йўқлади, дедим мен. Шундан кейин даврадагилар Машраб ижодига қизиқиб қолишди.

Мен, гарчи Машраб ижодининг билимдони бўлмасам-да, билганимча «лекция» ўқидим. Шоҳ Машраб тасаввуф руҳида ижод қилган буюк бобомиз Аҳмад Яссавий йўлини давом эттирганини сўзлай бошлаган эдим, Ислом Абдуғаниевич:

— Ҳа, айтгандай, — дедилар гапимни бўлиб. — Москвадан қайтганимиздан кейин Қозоғистон билан ҳам шартнома тузамиз. Яқинда Нурсултон Абишевич билан гаплашдим. Биз Туркистонга бориб, Яссавий бобомиз қабрини зиёрат қиладиган бўлдик ва шартномага ўша ерда қўл қўядиган бўлдик, дедилар. — Амир Темур қурдирган мақбарани бирга кўришга қарор қилдик...

Президент шундай деб, костюмининг чўнтагидан ён дафтарини олдилар. Унда бобомиз ҳикматларидан битта тўртлик кўчириб олинган экан, шуни ўқиб бердилар. Тўртлик инсоф ва адолат ҳақида эди.

Эҳтимол, туркистонлик бўлганим учундир, ҳикматлар ёдимга тушиб юрагим жизиллаб кетди.

Суҳбат мавзуи ўзгаради. Машрабдан «бир сакраб» ҳозирги адабиётга, унинг муаммоларига, қийинчиликларига ўтдик.

— Ҳозир ҳаммамизга ҳам қийин, — деди Ислом Абдуғаниевич.— Лекин кекса санъаткорларимизни эҳтиёт қилайлик, уларга кўпроқ ёрдам берайлик, кўнгилларига озор бермайлик, эъзозлайлик. Инсон тириклигида кўриши керак яхшилигимизни.

У киши шундай деб, тўсатдан Шароф Рашидов ҳақида сўраб қолдилар. Шу йил ноябрь ойида Шароф ака таваллудининг етмиш беш йиллиги кенг нишонланиши ҳақида гапириб кетдилар.

— Биз Шароф акага қилинган туҳматларни рад этдик. Мана, юбилейини ўтказяпмиз. Ёзувчилар бунга қандай қарашяпти?

Мен: «Ёзувчилар ҳам маъқуллашяпти. Битта-иккита адиб бўлмаса, кўпчилик бу савоб ишдан хурсанд», дедим.

Президент секин хўрсиниб:

— Шу битта-иккиталарига ҳам айтиб қўйинг, тушунтиринг, — дедилар. — Биз ҳам Шароф акани фариштa деб билмаймиз, аммо у кишининг катта хизматлари бор, уларни инкор этиш ҳам адолатдан эмас. Энг муҳими— оламдан ўтган одамга тош отмаслигимиз керак. Бошқа маданиятли халқларга ўхшаб биз ҳам халқимизга хизмати сингган одамларни эъзозлашга ўрганайлик...

Дилимни ғамгин бир туйғу чулғаб олди. Ҳа, биз юртимизнинг кўп азиз фарзандларини кўзлари тиригида эъзозлай олмадик. Узоқ ўтмишни қўя қолайлик, куни кеча Ҳабиб Абдуллаевни нима қилдик? Шайхзодани-чи? Иброҳим Мўминовични-чи? Амир Темур ҳақидаги биттагина мақоласи учун бошига қанча маломатлар ёғдирдик. Яна ким ёғдирди бу маломатларни? Ўзимиз! Уларнинг баъзиларига ҳозир ҳам, оламдан кўз юмганларидан кейин ҳам бот-бот тош отяпмиз...

Мен марҳум Шароф ака билан салкам чорак аср бирга ишлашганман. 1958 йили Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясига ҳозирлик кўрилаётган мавридда мен у кишига олти ой котиблик қилганман. Яширмайман, орамизда кўп яхши гаплар ҳам бўлган, совуқлик тушиб, йироқлашиб кетган пайтларимиз ҳам. Ҳеч бир катта шахс, катта раҳбарнинг ҳаёти зиддиятсиз, сип-силлиқ ўтмайди. Мен марҳум Шароф аканинг ошиғи олчидан келган қувончли кунларини ҳам, қандайдир ички ташвишлардан нигоҳига ғам чўккан қайғули онларни ҳам кўрганман. Бу ҳақда кундаликларимда ёзиб қўйганман, яна ёзяпман...

— Яхши, —дедилар Ислом Абдуғаниевич.— Биз ҳеч кимга у кишини фақат мақтаб ёзинг, деяпганимиз йўқ. Аммо марҳум ҳаёт вақтида ҳамду сано ўқиб, оламдан ўтганларидан кейин мағзава тўккан баъзи адиблар йўлидан борманглар. Ҳақиқатни ёзсаларингиз бўлди бизга...

* **

Шундан кейин суҳбат мавзуи Шароф аканинг вафотидан кейин халқимиз бошига тушган мусибатлар, мингларча бегуноҳ юртдошларимиз бағрини қон қилган «Ўзбек иши»га, ундан «Пахта иши» туфайли хор бўлган кўп яхши кадрларимизу уларнинг ўрнига Марказдан юборилган «десант»чиларга кўчди.

Ҳаммамиз ҳам бу ишлардан озми-кўпми хабардормиз, аммо ҳақиқатни тиклаш нақадар қийин бўлганини, айниқса, энг юқори мартабаларга ўтириб олган Анишчев, Сатин, Огарок ва уларнинг этакларига ёпишиб келиб, тузимизни ичиб, тузлиғимизга туфлаган ашаддий шовинистлар билан курашиш нақадар оғир кечганини мен шу суҳбат чоғида билдим. Ислом Абдуғаниевич самолёт ойнаси тагидан ғизиллаб учиб ўтаётган паға-паға булутларга ўйчан тикилиб, бу курашнинг тафсилотларини гапириб берганларидагина «тилда пок, ишда нопок» бу «десант»чилар билан ошкора курашиш ўзи бўлмаганини англадим. Курашиш учун юрак керак эди, кимдир жонини тикиб, белини маҳкам боғлаб, майдонга чиқиши керак эди. Ахир Марказдан ўзимиз сўраб олган (сўраб олган тилгинамиз кесилгай) бу корчалонлар билан кураш бошланганида уларнинг тиргаклари ҳали мустаҳкам эди-ку. Ҳали Горбачеву Лигачевлар бутун мамлакатни зир титратиб туришган эди-ку...

Йўқ, мен ҳеч кимни илоҳийлаштирмоқчи эмасман. Бенуқсон парвардигор, дейди халқимиз. Биламан, мақтов, айниқса ортиқча мақтов ҳеч кимга, ҳеч қачон фойда келтирган эмас. Зотан, улкан шахслар ҳамду саноларга муҳтож бўлмайдилар. Аммо осий банда, ҳаммамиз ҳам қилган ишларимизга адолатли баҳо берилса деймиз, яхши гапнинг гадосимиз.

Мен Шароф аканинг ўлимидан кейин халқимиз шаънига тўқилган туҳматларни фош этиш, поймол этилган ғуруримизни тиклаш йўлида бўлиб ўтган жангу жадаллар ҳақида кўп ўйлайман. Бу савоб ишни амалга ошириш учун қанча куч, ирода, асаб, жасорат талаб қилинганини тасаввур этаман. Шу боисдан бўлса керак, бу ҳақдаги хиёл ғамгин ҳикояни эшитар эканман, дилимда бир нарсага иқрор бўлдим: биз кўп нарсани билмас эканмиз, билмай туриб ҳукм чиқарар эканмиз.

Ё тавба! Бошқа «десантчи»ларни қўйиб турайлик, ҳатто: «Нега Тошкент олий ўқув юртларида ўзбек талабалари сони эллик фоиздан ортиқ, нега ТошМИда кафедра бошлиқларининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этади» дея, зиёлиларимизни шафқатсиз қувғин қилган ашаддий миллатчи Сатинии олайлик. Уни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган юртдошларимиз бўлган эди-ку! Зотан, биз аҳил бўлганимизда, инсоний ва миллий ғуруримиз устивор турганида, арзимаган низолар сабаб, доим бир-биримизнинг оёғимиздан тортиб келмаганимизда, юксак лавозимларни эмас, заҳматкаш, меҳнаткаш халқимиз тақдирини ўйлаб иш тутганимизда, бунчалик оёқ ости бўлармидик?

Афсус-надоматлар бўлғайким, биз туркийлар, агар қисқагина давом этган Амир Темур даврини ҳисобга олмаганда, узоқ тарихимизда доим ноаҳил бўлиб келганмиз. Агар бу машъум «анъана»га чек қўёлмасак, мустақил бўлиб қаёққа ҳам бора оламиз? Келажагимиз, тинчлигимиз, тақдиримиз, фарзандларимиз қисмати нима бўлади?

Президент худди кўнглимдан ўтган гапларни ўқиётгандай:

— Ҳа, қийинлашиб кетди ишлар,— дейди ҳануз ўша хаёлчан, сал ўксик овозда. — Баъзан ҳар хил гапларни эшитиб, хафа бўламану яна ўзимга ўзим тасалли бераман. Ким нима демасин, тилимизга давлат тили мақоми берилди, халқимиз асрлар давомида орзу қилган мустақилликка эришдик. Шу ишларда озми, кўпми, хизматинг бор-ку, худога шукр қил, дейман ўзимга. Лекин ҳозирги мустақиллик — ҳали энди туғилган чақалоқ-ку! Уни ҳали йўргаклаб олишимиз, кўкрак бериб, бешигини тебратиб, оёққа турғизишимиз керак-ку! Менинг энг катта армоним — шу. Бу армоним ушалса бас, кейин...

Ислом Абдуғаниевич гапини охирига етказмади, тўсатдан кўзларида шўх учқунлар ўйнаб:

— Сиз, мана, ёзувчисиз, — дейди кулимсираб. — Ростингизни айтинг-чи, мен ҳақиқатан ҳам қаттиққўлманми? Чиндан ҳам танқидни бўғяпманми?

Жиддий гапни ҳазилга буришга уринаман:

— Подшоҳларга ҳақиқатни айтиш хатарли, Ислом Абдуғаниевич.

Президентнинг кўзларидаги шўх учқунлар сўнади, хаёл суриб, пешонасини ишқайди:

— Бултур қурултойларинг олдидан катта бир гуруҳ ёзувчиларни қабул қилганим эсингиздами?

— Эсимда...

— Ўшанда... Подшоҳга ҳақиқатни айтиш хатарли демасдан кўп жиддий гапларни айтдиларинг-ку. Демократия ҳам қолмади, «Эрк»ка эрк бериш керак, «Бирлик»ка йўл бериш керак, деган гаплар ҳам, сўз эркинлиги ҳам... Хуллас, айтилмаган гап қолмади-ку ўшанда. Мен бу гаплардан хафа бўлмадим-ку. Имкон даражасида «Эрк»ка ҳам йўл очдик, «Бирлик»ни ҳам рўйхатга олдик. Ё нотўғрими?

Митингга чиқамиз деб, боши ёрилган бир-иккита ёзувчи ёдимга тушади. Чамаси, ҳуқуқ-тартибот органлари ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилаяптиёв, дейман Президентга.

— Суиистеъмол қиляпганлар бўлса... айтинглар, ёзинглар. Катта юрт. Қаерда нима бўляпти — ҳаммасини биллолмайман-ку мен.

Ёзувчига теккан касал, «фалсафа сўқиш» истаги ғимирлайди дилимда:

— Демак, Сизга бериладиган ахборот тўғри бўлиши керак экан-да. Биласизми, қадимда ақлли подшоҳларнинг девонаи ростгўйлари бўлган. Улар ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни қўрқмасдан айтавершган...

— Ҳай қайдамов! — деб кулади Ислом Абдуғаниевич. — Ё сиз ҳам девонаи ростгўй бўлмоқчимисиз?

— Йўқ менга жон керак! — дейман мен ҳам кулиб.

— Ҳар қалай, бошқалар шикоят қилса ҳам, ёзувчилар шикоят қилмаса бўларди. Жуда кўп аччиқ гапларни айтдиларинг-ку, сабр билан эшитяпмиз-ку...

— Вақти келади, — давом этади Президент гўё биров билан баҳслашаётгандай қизишиб. — Митингларга ҳам рухсат берилади, бошқасига ҳам. Аммо ҳозир... қўшни республикаларда бўлаётган митинглар халққа нима берди? Фақат қон тўкилди. Мен ана шундан, қон тўкилишидан чўчийман. Ким нима демасин, мен бир нарсага аминман: ҳозир халққа митинг эмас, ҳатто демократия ҳақидаги шиорлар ҳам эмас, нон керак, осойишталик керак. Ишқилиб, худо қирғинлардан асрасин, қирғин бўлса аввалам ёшлар кетади. Оталар кўз ёшини кўрмайлик, оналар фарёдини эшитмайлик.

Президентнинг қизишиб айтган гапларига қулоқ солганман, мен ҳам нон ҳақида, сўнгги пайтларда ҳаммамизни ташвишга солаётган тирикчилик тўғрисида ўйлайман. Тўрт ўғлим бор, ҳаммаси зиёли. Топганлари қора қозонни қайнатишга аранг етади. Аҳвол шундай давом этаверса эртанги кунимиз нима бўлади? Боз устига эл орасида ташвишли гап-кўп. Шаҳарликлар: «Деҳқон моли бор, боғ-роғи бор, бир кунини кўрянти, қийин бўлганда бизга қийин бўлди», дейишса, қишлоқдан келганлар, аксинча: «Сиз шаҳарликларда қиммат бўлсаям ҳамма нарса бор, биз бўлсак маош ҳам ололмаяпмиз», — деб арз қилишади-ю, инсофли одамлар, яна ўзлари:— «Майли, худо қирғинбаротлардан асрасин ишқилиб», — деб қўшиб қўйишади.

— Очиғини айтсам, — дейди Президент,— Ельцин билан тузадиган шартномадан мақсад ҳам шу — аввалам бор осойишталик. Қолаверса — иқтисод.

Қизиқ: Ельциннинг номини эшитишим билан хаёлим тамом бошқа томонга кетади. Самарқандда, самолёт пиллапоясида турганча, икки қўлини кўксига қўйиб, шаҳар аҳлига қайта-қайта таъзим қилаётган Борис Ельцин кўз олдимга келади. Унинг ўша ҳаракати, Самарқанд аҳлига қўл қовуштириб қайта-қайта таъзим қилгани, тўғрисини айтсам, мени жуда-жуда қувонтирган эди. Чунки бу самимий таъзимни кузатар эканман, Навоийда ўзини собиқ империя губернаторидай тутган Ефимов жаноблари эсимга тушади, унинг «Ҳой, ўзбеклар, қачон қулларга хос қўл қовуштириб салом бериш одатларингни қўясанлар, қачон бошларингдаги дўппиларингни ташлайсанлар?», деган ҳақоратомуз гаплари қулоқларим остида қайта янграйди.

Хаёлимни яна Президент бўлади.

— Ҳа, — дейди у, салмоқлаб. — Ким нима демасин — Россия буюк давлат. Ҳатто мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, орамизда чегаралар ўрнатилган тақдирда ҳам — у бизга қўшни бўлиб қолади. «Қўшнингга қовғингни солма», «Гилам сотсанг ҳам қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан», дейди халқимиз...

Гап билан бўлиб, манзилга етиб келганимизни билмай қолибмиз. Аэропортга қўнар-қўнмасданоқ ойнадан ташқарига қарайман. Кутиб олувчилар орасида Борис Ельцин борми, йўқми? Йўқ! Пастда Бурбулис ва унинг ёрдамчилари туришибди... Хаёлимдан: «Бу қанақаси? Яна ўша эски беписандликми?», деган гап ўтади. Лекин шу заҳотиёқ буларда давлат раҳбарларини аэропортда кутиб олиш расм эмаслиги, ҳатто Жорж Буш ва Франсуа Миттеранлар ҳам Кремлда, Георгиевск зали остонасида кутиб олингани эсимга тушади-ю, кўнглим таскин топади.

* **

КЕЧАСИ алламаҳалгача имзо чекилажак шартнома лойиҳасини варақлаб ётаман. Ўн тўрт бетлик улкан ҳужжат! Салкам ўттизта модда. Ишқилиб, илгариги мафкуравий тазйиқларнинг шабадаси бўлмасин-да, дейман ичимда. Оллога шукр, бунақа совуқ шабаданинг аломати ҳам йўқ. Ҳамма моддалар—тенг ҳуқуқли дўстона алоқа, иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ, олди-берди, илмий-маданий ва ҳоказо ва ҳоказо муносабатлар мажмуасидан иборат. Вақти келар, билимдон иқтисодчилар, кескир ҳуқуқшунослар, доно файласуфлар шартноманинг ҳар бир моддаси ҳақида биттадан китоб ёзишар, тарихий аҳамиятларини шарҳлаб беришар. Мен ғариб эса... яна эртага бўладиган учрашув, тантанали расм-русмлар, тарихий нутқлар ва... худо ўзи кечирсин — бериладиган зиёфат, тўғрироғи, зиёфат бўладими, йўқми? Осий банда, шуларни ўйлаб уйқуга кетаман...

* **

30 май. Москва вақти билан кундуз соат уч ярим. Имзо чекиш маросими тўртда бошланади. Лекин биз, делегация аъзолари, Кремлга ҳукуматимиз раҳбарларидан ярим соат олдин бордик, қирмизи гиламлар тўшалган тик зиналардан юриб машҳур Георгиевск залига кўтарилдик.

Бир-бирларига туташиб кетган, қуббадор шифтларига, мармар деворларига рус подшоларининг суратлари, ғолиб лашкарбошилар, музаффар қўшинларнинг номлари олтин ҳарфлар билан битилган ўнларча улуғвор, муҳташам заллар. Мен депутатлик чоғимда ҳам, ҳатто ундан олдин ҳам бу хиёл совуқ, сокин, муаззам қасрда кўп бўлганман. Лекин ҳар сафар унга қадам қўйганимда: «Бу ерлардан кимлар ўтмаган, олтин тахтларда кимлар ўтирмаган, бевафо тож учун кимларнинг боши кетмаган?», деган фикр хаёлимдан кечади-ю, беихтиёр этим жимирлашиб кетади...

Мана, ашқол-дашқолларини кўтариб, телевизорчилар ҳам кириб келишди, жой талашиб, бир-бирларига минглашиб олишди.

Соат роппа-роса тўрт. Икки Президент ўз командалари қуршовида икки томондан Георгиевск залига кириб келишади. Ҳамон кузатаман: Ельциннинг бўйи узун, овози баланд, дўриллаб гапиради, аммо Президентимизнинг ўзини тутишида қатъият ва ишонч бор. Улар делегация аъзолари билан битта-битта кўришадилар сўнг, президентлар, чамаси суҳбат учун ён хонага қўлтиқлашиб кириб кетишади-ю, сал ўтмай қайтиб чиқишади. Суҳбат яхши ўтган бўлса керак — кайфиятлари чоғ. Телевизор чироқлари ёнади, қадимий муҳташам залнинг олтин безаклари ложувард ранглар касб этиб, ярқираб кетади.

Ниҳоят, шартномага имзо чекиш билан боғлиқ ҳамма расм-русумлар тугайди, шампань тўла қадаҳлар кўтарилади-ю, президентлар нутқ сўзлайдилар.

Шунда Борис Ельциннинг бир гапи мени жуда мамнун қилди. Шартноманинг ҳар иккала мустақил давлат учун аҳамиятини таъкидлаб ўтгандан сўнг, Ельцин айтдики, Рус империяси ва ҳаттоки 75 йил ҳукм сурган Совет ҳокимияти даврида Россия тасаррафидаги бирорта миллат, бирорта халқ билан бундай тенг ҳуқуқли шартнома тузилганмиди? Бугун иқрор бўлишимиз керак: биз бошқа миллат ва бошқа жумҳуриятларни фақат қоғоздагина тан олганмиз, аслида эса ҳамиша камситиб келмаганмизми? Мана, энди бутун дунё тан олган Ўзбекистон ҳақиқий мустақил давлат сифатида Россия билан баробар туриб гаплашяпти. Шу дақиқаларда биз бу мустақил давлатнинг ҳурматини бажо келтиряпмиз ва мен бундан хурсандман.

Ислом Абдуғаниевич ҳам ана шундай илиқ, самимий руҳда жавоб берди.

Нутқлар тугагач, Борис Ельцин Президентимизга мурожаат этиб:

— Ислом Абдуғаниевич, аҳволимиз оғир, айниқса, тўқимачилик саноатимиз жар ёқасида турибди. Иваново-Вознесенскда ишсиз қолган тўқимачи аёллар ҳурмати бизга пахтадан ёрдам беришингизни илтимос қиламан, — деди.

Хаёлимдан: «Хўш, Президентимиз бу гапга нима деркан, ўзини қандай тутаркан?», деган фикр ўтди.

Ислом Абдуғаниевич ҳеч иккиланмай жавоб бердилар:

— Майли, илтимосингизни ерда қолдирмаймиз, лекин сиз ҳам бизнинг аҳволимизга тушуниб, пахтанинг нархини қайта кўриб чиқсангиз. Бу биринчидан. Иккинчидан, ёқилғининг нархини жуда ошириб юбордингиз, унинг нархини қайта кўриб чиқмасангиз бизга ҳам оғир бўлади.

Ельцин, тушунаман, деган маънода бош ирғаб:

— Жуда яхши. Бўлмаса нариги ҳафтада Сиз ўз мутахассисларингизни юборинг, — деди ва Егор Гайдарга юзланди: — Сиз ўзбекистонлик мутахассисларни дарҳол қабул қилинг, масалани зудлик билан ечиб, натижасидан мени огоҳ этинг, — деди.

Мен бу гапларни эшитиб туриб, ўзимча ички бир мамнуният билан ўйладим: бундан 20-30 йил муқаддам, Никита Хрушчёв ёки Леонид Брежнев ҳукмронлиги даврида улар собиқ раҳбарларимиздан «ёрдам бер», деб сўрармидилар, башарти сўраганларида ҳам бошлиқларимиз ҳозиргидек уларга шарт қўя олармидилар?

Йўқ, ҳар қалай, аста-секин бўлса-да, сўзимизни айтяпмиз, қаддимизни тиклаяпмиз.

Хом сут эмган банда, мана, ниҳоят, тунда ўйлаган олиймақом зиёфатни кўриш ва кузатиш бахтига ҳам муяссар бўлдим.

Ҳайрият, кечаси кўнглимга келган шубҳаларим чиппакка чиқди. Бизни Жорж Буш ва Франсуа Миттеранларга зиёфат берилган, не-не рус подшоҳлари буюк ажнабий давлатлар раҳбарларига дастурхон ёзган машҳур Екатеринск залига таклиф қилишди. Гулгун шароблар ҳам бўлди. Рус миллий таомларини ҳам тортишди, ҳатто «шчи» деган қадимий рус шўрваси ўрнига ўзбекча мастава қилишибди... Таомлар орасида эса ўзбек ва рус халқлари шарафига кўп яхши, дилбар, самимий қадаҳлар янгради.

Зиёфат вақтида мен Борис Николаевичнинг ёрдамчиси билан ёнма-ён ўтириб қолган эканман, яхшигина суҳбатлашдик.

Ўша куни эрталаб ҳукумат аъзоларидан Шавкат Йўлдошев, Абдулҳошим Муталов ва Раҳим Ражабовлар Москва бозорларидан бирига боришган экан. Бозордаги нарх-наводан ҳайратга тушишибди. Бир кило гилос 400 сўм, қулупнай уч юз сўм, сабзи юз сўм, картошка эллик сўм экан.

Мен шуларни Ельциннинг ёрдамчисига гапириб бердиму, сўрадим:

— Гилос билан қулупнайни ўстириш рус деҳқони учун қийин бўлса қийиндир. Лекин сабзи-пиёз-чи, картошка-чи? Бор-йўғи ерни ҳайдаб, уруғ сепиб қўйишса бас, сабзи-пиёз деган нарса ўзи бўлаверади-ку?

Президент ёрдамчиси маъюс бош ирғади:

— Ҳа, ишлашмай қўйишди одамлар.

Беихтиёр юрагимда ифтиҳор туйғуси жўш урди:

— Бизнинг деҳқонларимиз эса ердан бош кўтармай ишлашяпти. Бозорларингизда гилосу қулупнай, сабзи, пиёз сотиб ўтирганларнинг аксарияти ҳам бизнинг деҳқонларимиз экан, ўзбеклар экан. Ишқилиб, ҳақорат қилишмаяптими ҳамшаҳарларингиз?

— Йўқ, «Ўзбек иши» деган туҳматлар даври ўтди, — деди Президент ёрдамчиси.— Ўзбек деҳқонлари ўз меҳнатлари билан бутун мамлакатнинг ҳурматини қозонди...

Биз бошқаларга билдирмай халқларимиз бахти учун секин қадаҳ уриштирдик...

Шанба куни йўлга чиқдик. Москва жим-жит, кўчаларда одам сийрак, митингчилар кўринмас эди. «Шояд одамлар чорбоғларида картошкаю сабзи, пиёз экишаётган бўлса», дедим ичимда.

Ҳақиқатан, Россияда аҳвол оғир. Лекин минг йиллик тарих шуни кўрсатадики, Россия бундай мушкул вазиятларга минг марта тушиб, минг марта чиққан. Дунёга Пушкин ва Толстойдек бошқа халқларга меҳр қўйган ёзувчиларни берган ҳам шу эл. Улар мазлум халқларни ўз ҳукмдорларидан, бешафқат генералларидан ҳимоя қилиб, «Кавказ асири» ва «Ҳожимурод» каби исён ва изтиробга тўла буюк асарлар яратганлар. XX асрда бу юртдан Андрей Сахаров ва Александр Солженицин каби ҳақ ва адолат курашчилари чиқди. Улар орзу қилган буюк, аммо бошқа халқлар ҳуқуқини поймол қилмайдиган, инсоф ва ҳақиқат асосига қурилган демократик мамлакат барпо бўлишига ишонгим келади.

САМОЛЁТИМИЗ ердан узилиб, юртимиз томон парвоз қилганида Ислом Абдуғаниевич ўз «хона»ларидан чиқиб, ҳаммамиз билан битта-битта кўришиб чиқди. Аммо бу сафар ҳеч кимни «ичкари»га таклиф қилмади. Унинг чарчаганлиги ҳорғин чеҳрасида шундоққина муҳрланган эди...

* **

Улкан шахс ва уларнинг фаолиятига фақат тарих баҳо бера олади. Менинг вазифам эса сафарлардан олган таассуротларим билан ўртоқлашишдангина иборатки, буни бошдаёқ айтдим. Билиб турибман: гап келганда отаси уёқда турсин, президентларни ҳам аямай гапириш одат тусига кираётган ҳозирги бетакаллуф замонда каминанинг бу номукаммал ҳикояларини ўқиган баъзи дўстларим: «Чуқур таҳлил йўқ-ку. Танқид йўқ-ку», деб таъна қилишлари ҳам мумкин. Бунга ҳақлари ҳам бор. Жумҳуриятимизда катта ишлар бўляпти, лекин хато ва нуқсонлар ҳам оз эмас. Улкан шахсларнинг улкан ишлари ҳам, хатолари ҳам элга кафтдагидек кўриниб туради. Битта қизиқ тафсилот: Москвадан қайтганимиздан кейин бир яхши олим билан учрашиб қолдим. У Россия билан шартнома тузилганидан норози экан.

— Нима керак эди бизни юз йилдан буён тепкилаб келган шу империя билан шартнома тузиш? — деди у ранжиб. — Аввал мусулмон давлатлари билан яқинлашиш керак эди, кейин... кейин ҳам керак эмас бизга бу империя!...

Мен эътироз қилдим. Аввалам бор, биринчи шартномалар мусулмон давлатлари билан тузилдику. Мен дўстимга Қирғизистон, Туркманистон, Туркия билан тузилган шартномаларни эслатдим. Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистонига қилинган сафарларни ёдига солдим. Қолаверса... олимимиз ранжиб гапирган ўша юз йил давомида Россия билан шундай чамбарчас боғланиб қолганмизки, бу ришталарни шартта кесиб ташлаш биз ўйлаганчалик осон эмас. Россия ҳозир яраланган айиқни эслатади. Шунга яраша муомала зарур.

Москвадан кейин Президент бошлиқ ҳукумат делегацияси Жанубий Қурияга сафарга отланди. Қуриядан кейин яна икки мусулмон давлати: Малайзия билан Индонезияга ўтди. Мана сафар чарчоқлари ёзилмасдан туриб, қардош қозоқ элига йўл олиняпти. Ўша кунлари юқоридан хабар қилишди: шартномага Олмаотада эмас, ўз бағрида буюк бобомиз Аҳмад Яссавий суягини эъзозлаб асраётган кўҳна Туркистонда имзо чекиладиган бўпти. Бу муқаддас шаҳарда туғилиб, катта бўлганимни ҳисобга олишиб, мени ҳам делегация таркибига қўшишибди. Шу баҳона Бобом қабрини яна бир бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлишимдан бошим осмонга етди. Дарҳақиқат, «Туркистон» сўзида фақат шаҳарнинг номигина эмас, балки теран рамзий маъно ҳам бор... Туркистон сўзида минг йиллар давомида бирлашиш орзусида юрган бутун турк элларининг энг олий мақсади ўз ифодасини топгандир.

Тошкент — Москва — Туркистон.

• *Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажариляпти?*

ДАРЁДАН БИР ТОМЧИ

ТУРКИЯДАН келган меҳмонга ҳамроҳ бўлиш, унга Андижон вилояти ва шаҳрини кўрсатиш менга насиб этди. Карл Маркс кўчасидан боряпмиз. Анави Ленин кўчаси, Янги шаҳарнинг маркази шу ердан бошланади. Бир вақтлар бу кўча жуда серфайз, гўзал бўлган, фақат пиёдалар сайр қилишарди. Енгил машиналар кўчага киритилмасди. Кейинчалик кўчанинг ҳусни бузилди. Унинг қоқ ўртаси қазилиб, гул экиш учун бетон қўрғонча, паст бўйли қуйма панжаралар қилинди. Бунга анча маблағ сарфланди. Одамлар сайр қилиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Эндиликда шундай гўзал кўча карровсиз ҳолга келди. Йўлда одамлар эмас, енгил машиналар «сайр» қилади. Шу кўчада жойлашган Андижон шаҳар прокуратураси пештоқида «СССР прокуратураси», Андижон Марказий Давлат банки пештоқида «Госбанк СССР» деган ёзувларни ўқиб ҳориждан келган меҳмон ажабланди:

— СССР тугатилганига анча бўлувди-ку?

— Андижонда яшаб турибди.

Ленин кўчасидан Бильдин, Пушкин кўчаларига бурилдик. Иккала кўча оралиғида жойлашган кичкинтойларнинг якка-ю ягона боғини кўрдик. Бу боғ ҳам Пушкин номи билан аталарди. Хайрият, Пушкин сўзини ўчириб катта ҳарфлар билан «Детский парк» деб ёздириб қўйишибди. Хорижий меҳмон «Болажонларнинг боғи хароб экан. У ўзбек халқ эртаклари асосида безатилса яхши бўларди», деди.

Болалар боғидан Гвардейская, Маяковский, Казанская, Самаркандская, Луначарский, Киров, Шевченко, Кужелло, Лермонтов кўчаларига ўтдик. Кейин «улица Пионерская», «улица Гоголя», «улица Полевая», «улица Коминтерн», «улица Гагарин», «улица Дружба» ва бошқа кўчалардан юрдик. «Андижанская монтажная управление», «Андижон электросет», «Центральний универмаг», «Детский Мир», «Детсад—21» деган ёзувларга кўзимиз тушди. Меҳмон яна таажжубланди:

— Андижон кўчалари номланиши жиҳатидан ўрислар шаҳридан қолишмас экан. Биз ўзбек тилига давлат мақоми берилди, деган гапни эшитиб хурсанд бўлган эдик.

— Гапингизда жон бор, — дедим мен. — Шундай Қонун чиққан. Ўша Қонунда кўчалар, бекатлар, жўғрофий жойларнинг номлари давлат тилида ёзилади ҳамда ўрис ва бошқа тилларда такрорланади, дейилган. Бунинг устига жумҳуриятимизда Мустақиллик эълон қилинганига, қадриятлар тиклансин, дейилганига ҳам анча бўлди.

Шундан кейин анчамунча ишлар рўёбга чиқди. Кўп кўчалар, қишлоқлар, хўжаликлар, мактабларнинг номлари ўзгартирилди. Ленин райони — Асака, Москва райони — Шаҳрихон, Советобод — Хонобод бўлди. Андижонда Ленин майдони Бобур майдонига айланди. Ленин ҳайкали ўрнига Бобур ҳайкали қўйиладиган бўлди.

Жданов шоҳкўчаси — Бобур, Свобода шоҳ кўчаси — Чўлпон, Белинский кўчаси—Машраб, Советская кўчаси — Ашур Ҳайдаров, Свердлов — Юсуфжон Шодмонов, Чайковский — Мирзажон Муҳиддинов, Богдан Хмельницкий — Саттор Обидов номи билан аталди. Айрим кўчалар ўзбекчалаштириб қўйилди. Чунончи, «улица Привокзальная» ёзуви «Привокзальная кўчаси» деб ўзгартирилди.

Андижон шаҳар ҳокимияти қошидаги атамалар комиссияси раиси, шаҳар Кенгаши нойби Р. Шамсутдиновнинг айтишича, Димитров кўчаси байналмилалчи жангчи Бахтиёр Холхўжаев, Семашко кўчаси Мирпўстин, Новая кўчаси Ўзбекистон халқ артисти Назарали Асқаров, Куйбишев кўчаси таниқли олим Тўхтасин Келдиев, Папанин кўчаси байналмилалчи жангчи Суннатилла Неъматуллаев номи билан аталадиган бўлди.

Лекин қилинган ишлар дарёдан бир томчи, холос. Бизда оддий ҳолга айланиб қолган бир иллат бор: кўпинча долзарб муаммоларга оид муҳим тадбирлар белгиланади-ю, аммо уларнинг ижроси мунтазам назорат қилиб турилмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишини қониқарли, деб бўлмайди. Бунга Қонун ижроси етарли даражада назорат қилинмаётгани, мутасадди раҳбарларнинг бу ҳақдаги ҳисоботлари мунтазам эшитилмаётгани сабаб бўляпти. Оқибатда кўпчилик онгида Қонунга нисбатан бефарқлик кайфияти туғилмоқда. Ҳолбуки, тил—миллий бойлигимиз, забун этилган миллийликни ҳам оёққа турғазишдир.

Қўшни жумҳуриятларда шаҳарлар ва кўчаларнинг тарихий номлари дадил тикланаётган, айрим сохта «арбоб»ларнинг ҳайкаллари кўздан пана қилинаётган бир пайтда юқоридан ишора кутиб ўтирибмиз. Шундай ишора бўлди ҳам. Президентимиз И. А. Каримов деҳқончилик саноати мажмуи ходимларининг республика қурултойида бундай деди: «...Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, она тилимизга давлат мақоми берилди. Аммо кўпчилик қишлоқлар ва хўжаликларнинг номлари бугунги нуфузимизга ярашмайди. Вилоят ва район ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари бу борада зарур ишларни амалга ошириб, шу ҳақда бизга ахборот беришларини сўраймиз».

Шу кўрсатмага амал қилиб, тарихимиз, ота-боболаримиз ва ўзимизнинг қадр-қимматимизни билишимиз керак. Андижон шаҳрига янги ҳоким тайинланди. У серғайрат, ишбилармон инсон. Кўпчилик унга катта умид боғлаб турибди. Зора шаҳарга миллий руҳ берса!

Янги ном танлашда бир хилликка берилиб кетилди. Андижон шаҳрида Бобур шоҳкўчаси, Бобур кутубхонаси, Бобур музейи, Бобур номли Андижон дорилфунуни мавжуд. Эндиликда Бобур боғи яратиляпти. Вилоятнинг Балиқчи, Хўжаобод, Марҳамат, Избоскан, Асака, Бўз районларида олтита Бобур номли жамоа хўжалиги, Андижон районида Бобур санаторийси мавжуд. Навоий номли хўжаликлар ҳам кун сайин кўпайиб боряпти. Андижон шаҳрида Навоий шоҳкўчаси, Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, вилоятда эса олтита Навоий номли жамоа хўжалиги бор. Улар: Бўз, Булоқбоши, Асака, Шаҳрихон, Балиқчи, Қўрғонтепа районларида жойлашган. Эҳтимол, буюк алломалар учун бу улуғлашлар камлик қилар. Аммо ўта улуғлаш...

Сиртдан қараганда давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш соҳасида кўп ишлар қилинаётгандек: кўп шиорлар ўзбекча, кўп ташкилотлар, идоралар, муассасаларнинг эшикларига ёпиштирилган ёзувлар ўзбекча. Аммо бу ҳаммасида эмас. Кўп жойлар ҳали ҳам миллий ва халқчил анъаналарга мос келмайдиган номлар билан аталмоқда. Қатор идораларнинг пешлавҳалари, муҳрлар, тамғалар эски ҳолида.

Олий таълим илмгоҳларида, халқ маърифи соҳасида, шифохоналарда қилинган ва қилинаётган ишлардан кўнгил тўлмайди. Ўзбек тилини ўрганиш яхши ташкил этилмаган. Давлат тилини билмайдиганлар учун ўзбек тилида машғулотлар ўтказиш, бепул курслар ташкил этиш талаб даражасида эмас. Ўрис мактабларида ўзбек тили ўқитиш қониқарсиз аҳволда. Ҳисоб-китоб ишлари, киримчиқим ҳужжатлари асосан ўрис тилида. Ўрис мактабларида ўзбек тили муаллимлари етишмайди. Боғчаяслиларда тарбия жараёнини миллий асосда ташкил этиш учун ҳали кўп ишлар амалга оширилиши керак. Шу соҳага оид қўлланмалар яратиш, миллий, шарқона кўринишдаги қўғирчоқлар, ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, болаларга ўзбекча тарбия берувчи боғча-яслиларни кўпайтириш муҳим вазифалардандир.

Никоҳдан ўтганларни рўйхатга олиш, туғилганлик гувоҳномалари, фуқаролик ҳужжатлари бериш ходимларининг асосий қисми ўзбек тилини билмайди.

Орамизда ўзбек бўла туриб ўзбекча ёзиш ва гапиришни билмайдиган кимсалар бор. Бундан фақат она тилини билиш керак, деган маъно келиб чиқмайди. Ўз тилимизнинг мавқеини кўтарган ҳолда ўрис, форс, араб, инглиз, турк ва бошка тилларни ўрганишимиз зарур. Акс ҳолда чет элларга чиқолмайдиган гунг бўлиб қоламиз. Бу — чет тили муаллимлари фаолиятини кучайтиришни тақозо этади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчилари ижтимоий ҳимоялаш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда халқ депутатлари, Президент девонининг ҳамда Олий Кенгаш комитетларининг, республика вазирликлари ва идораларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Мажлисни комитет раиси В. Ниёзматов бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Қуролли Кучлар ҳақида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида», «Муқобил (меҳнат) хизмати ҳақида»ги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама қилинди. Маърузачи — комитет аъзоси генерал-майор Б. Белоусов, муҳокаманинг бошқа қатнашчилари Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлган шу қонунларнинг алоҳида сиёсий ва ҳарбий аҳамиятини таъкидладилар. Республика раҳбарияти мустақил Ўзбекистоннинг ёш қуролли кучларини ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги айтиб ўтилди.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар айтилган мулоҳазалар ва истаклар, киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда асосан маъқулланди. Бу қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этишни Олий Кенгаш Раёсатидан илтимос қилишга қарор берилди.

Комитет мажлисида Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов, республика мудофаа ишлари вазири генерал-лейтенант Р. Ў. Аҳмедов иштирок этдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

ТОШКЕНТ. Республика санъат ўрта махсус мактаб-интернати ташкил этилганлигига уч ярим йил бўлди. Бу нафосат ўрганиш олами масканида ҳар куни истеъдодли ўғил ва қизларимиз санъат сирларини ўрганиш билан банд бўладилар. Қисқа вақт ичида бу ерда таълим олаётган ёшларнинг санъат оламидаги маҳоратини эгаллашида сезиларли қадам қўйилди.

Куни кеча бу ерда санъат мактаб-интернатини навбатдаги битирувчилари ҳаётга йўлланма олишди. Эликка яқин йигит ва қизлар ўзларининг тасвирий санъат ва музыка соҳасидаги диплом ишларини муваффақиятли ёқладилар. Улардан бири истеъдодли рассом қиз Дилором Ҳамдамовадир. Бу битирувчи қизнинг яратган «Келин» деган асари бўёқларининг жилоси билан кишини мафтун этади.

Суратда: битирувчи рассом Дилором Ҳамдамова ўзининг яратган асарлари билан.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

● **Кеча Дагомиса (Краснодар ўлкаси) да Россия ва Украина Президентлари: Борис Ельцин билан Леонид Кравчук бошлиқ давлат делегацияларининг учрашуви бошланди.**

Музокараларда гап кўпроқ иқтисодий масалалар ҳақида бормоқда. Бу ерда иккала давлатнинг бир-биридан қарзлари, ўзаро мақбул тарзда маҳсулотлар етказиб бериш жараёнида нарх-навони белгилаш, келаси йилда маҳсулот айирбошлашнинг ҳажмлари тўғрисида мунозаралар бўлмоқда.

Кун тартибига, шунингдек, ҳарбий соҳага оид бир қатор масалалар киритилган. Улар орасида Қора денгиз флотини бўлиш муаммоси ҳам бор.

С. НИЁЗОВ — ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

● **Утган якшанба куни қўшни Туркманистон Республикасида Президент сайловлари бўлиб ўтган эди.**

Ҳали унинг узил-кесил якунлари чиқарилгани йўқ. Аммо, дастлабки ҳисоб-китоблар Сапармурод Ниёзов сайловчиларнинг 99,5 фоиз овозини олганлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, Туркманистонда умумхалқ Президент сайлови бундан бор-йўғи бир ярим йил олдин бўлган эди. Бу галги сайлов шу йил 17 майда республика Миллий мажлисида қабул қилинган янги Конституцияга мувофиқ ўтказилди.

Республикада истиқомат қилувчи аҳолининг барча кам таъминланган қатламлари, ҳарбий хизматчилар, русийзабон кишилар якдиллик билан ягона номзод — Ниёзовга овоз бердилар. Чунки, у жумҳуриятда барқарорлик ва тартиб-интизомни сақлаб туриш учун фаол курашмоқда.

СОБИҚ РАҲБАРНИНГ НИЯТИ

● **ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккер яқин икки ҳафта ичида Россия Федерацияси ҳукуматига сиёсий бошпана сўраб мурожаат қилмоқчи.**

Эрих Хонеккернинг фикрича, уни Германияда шавқатсиз суд кутмоқда. Агар унга сиёсий бошпана берилмаса, у Россиянинг олий суд идораларига шикоят билан мурожаат қилади. Москвалик юристларнинг айтишларича, шикоятни кўриб чиқиш бир ойдан икки йилгача чўзилиши мумкин.

ИНСОНИЙЛИК ЁРДАМИ

● **Америка Қўшма Штатлари «Умид» тадбирининг иккинчи қисми доирасида ўтган ҳафтада Россиянинг ва бошқа собиқ совет республикаларининг ўнта шаҳарига кўп миқдорда озиқ-овқат ва дори-дармон юборди.**

Бу шаҳарлардан 6 таси Россияда, иккитаси Украинада, қолганлари Беларусь ва Молдовададир.

АҚШ давлат департаменти вакили Маргарет Татуайлер хоним «АҚШ халқаро тараққиёт бошқармаси Ўрта Осиёда организмни касаллик юқмайдиган қилиш дастурининг биринчи қисмини ниҳоясига етказганини» ҳам маълум қилди.

АҚЛ-ИДРОККА ДАЪВАТ

● **БМТ Бош котиби Бутрос Гали Молдовадаги жанговар ҳаракатлар кучайиб бораётганидан жуда ташвишланаётганини билдирди.**

У барча томонларга мурожаат этиб, жанговар ҳаракатларни тўхтатишга ва имкони борича вазмин бўлишга чақирди. Жанговар ҳаракатларнинг бундан буён кучайишига йўл қўймаслик учун, шунингдек, БМТ Низомига ҳамда бошқа битимларга мувофиқ инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этиш ва оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш учун бутун куч-ғайратини сарфлаш зарур, деб таъкидланади у берган баёнотда.

ПЕКИНДАН ХАБАР

● **Хитой Халқ Республикасининг собиқ раиси Ли Сяньнянь 84 ёшида вафот этди.**

У Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарларидан бири эди. Ли Сяньнянь 1983 йилдан 1988 йилгача ХХРга раислик қилди. Кейин у Халқ сиёсий маслаҳат Кенгаши Умумхитой комитетининг раислигига сайланган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг материаллари асосида тайёрланди).

• ШОГИРДЛАР ҚАЛОМИ

ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ

⊙ Одатда ёшинг бир жойга борганда кечаги кунинг, босиб ўтган йўлинг, қилган ишларинг ҳақида ўйга толасан киши. Шунда ўзингга-ўзинг қандай ҳаёт кечирдим, олдимга қўйган мақсадимга, орзу-умидларимга эриша олдимми, элимга, атрофимдагиларга оз бўлса-да нафим тегдими, умрим бекор ўтмадими, дея савол берасан.

Тиббиёт фани билан жисмоний тарбия ўртасидаги узвий боғлиқлик, спорт физиологияси борасида қатор илмий ишлар яратган, ажойиб шогирдлар етиштирган устоз олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Исомиддин Азимовнинг олтмиш йиллик умри зое ўтмаганини бугун унинг қутлуғ кунида эслаб ўтиш жоиздир.

Бир қараганда ҳаммаси оддий бошланди. Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш куллиётини тугатиб, шу институт физиология кафедрасида ассистент, кейинчалик доцент лавозимларида ишлади. Тиббиёт фанлари номзоди даражасини олди. Орадан ўн йил ўтгач докторлик ҳимоясини қилди. Булар фақат санаб ўтишга осон, холос.

Ҳозирги кунда олим Тошкент Давлат жисмоний тарбия олийгоҳида кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Олийгоҳдаги хизмати даврида у ўзини тажрибали мураббий ва юқори малакали етук илмий ходим сифатида кўрсатди. Чуқур мазмунли, техник воситалар ёрдамида ўқиган лекциялари ҳар гал талабалар ва малака ошириш бўлимининг тингловчиларида катта қизиқиш уйғотади. Мазкур дарслар муаммоли масалалар бўйича ташкил этилганлиги сабабли талабаларни жонли мулоқотга ундайди. Шу боис устоз ўзи ўтадиган лекциялари сифати билан олийгоҳ лекторларидан ажралиб туради.

Профессор И. Азимов раҳбарлиги остида «Иссиқ иқлимли шароитларда спорт тайёргарлигидаги оғир жисмоний ишларни бажаришда физиологик реакцияларни текшириш», «Кам ҳаракатли меҳнатда тўғри меҳнат қилиш тартиби ва соғломлаштириш чораларини физиологик асослаш», «Гипокинезия шароитларида нозик ва аниқ ишларни бажарувчи аёллар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш» каби мавзулар устида илмий ишлар олиб борилди. Олимнинг юздан ортиқ илмий ишлари, умумий ҳамда спорт физиологияси бўйича ўқув қўлланмалари чоп этилган. Катта илмий муаммонинг раҳбари бўлган И. Азимов йирик анжуманларда, жумладан Бутуниттифоқ, Ўрта Осиё, жумҳурият миқёсидаги қурултой, симпозиум ва конференцияларда маърузалар қилди. Уларнинг натижаси амалиётга татбиқ этилгани ҳақида йигирмата тасдиқнома мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, И. Азимов физкультура ва спорт, тиббиёт фани бўйича қатор изоҳли луғатларнинг муаллифларидан бири. Ҳозирги вақтда олим раҳбарлик қилаётган физиология кафедрасида «Жумҳуриятнинг иқлим шароитларида болаларни соғломлаштиришнинг гаровларини физиологик асослаш» муаммоси бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу масала бўйича келгусида кафедрада докторлик ва бир неча номзодлик диссертацияларини ҳимояга тайёрлаш режалаштирилган.

Олим шогирдларига меҳрибон устоз, илм-фан фидойиси бўлиши билан бирга кенг ташкилотчилик ишларини ҳам олиб боради. У ўн йил давомида физиология бўйича Бутуниттифоқ олимпиадасининг республика турида ҳакамлар ҳайъатига раис, жумҳурият физиологлар жамияти бошқармасининг аъзоси бўлган.

Устоздаги уддабуронлик, ҳайрихоҳлик талабаларга ва ходимларга нисбатан талабчанлик, одамийлик фазилатлари ҳар бир шогирдга ибрат бўларли. Бундай сербарака, серижод ҳаёт албатта серташвиш бўлади. Бироқ устоз буни ҳеч қачон сездирмайди. Шу боисдан ҳам унга кишининг ҳаваси келади.

А. ҲАМРОҚУЛОВ,
Тошкент давлат жисмоний тарбия институти ректори, профессор.

О. РАСУЛЕВ,
тренерлик факультетининг декани.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА ЎзА МУХБИРЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН

ДОИМИЙ АРДОҚДА

● **ВИЛОЯТ ҳокимининг ўринбосари Гуландом Субхонова болалар жамғармасининг вилоятдаги етим ва ногиронларга кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапирар экан, улар учун балоғат ёшига етгунга қадар ғамхўрлик кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқилганлигини таъкидлади.**

Бу тадбирларнинг амалга оширилишида эса вилоят болалар жамғармасига 2-қурилиш анжомлари комбинати, ип-йигирув фабрикаси, пластмасса заводи каби жамоалар айниқса катта ёрдам уюштирмоқдалар. Яқинда 40 нафар ўғил-қиз Москва, Ленинград каби шаҳарларга даволаниш учун юборилди. Минг нафардан зиёд муҳтожларга турли хил моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоятдаги ана шундай ота-онасиз, кўнгли ўксиган, ногирон болалар учун турли тантаналар уюштириш одат тусига кирябти.

Вилоят марказидаги театр биносида ўтказилган тамошалар чоғида маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Бахтиёр Акромов болаларга салкам 10 минг сўмлик кийим-кечак, вилоятдаги Қирғиз маданий маркази раиси А. Каримов эса 5 минг сўм пул топширди. «Жиззахтранс» жамоаси болалар жамғармасига 5 минг сўм пул ўтказганлиги ҳақидаги ҳужжатни топширди.

ЖИЗЗАХ.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

● **ҲАСАНБОЙ қишлоғидаги 2-шифохонада замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган реанимация бўлими очилди.**

— Ишни кардиолог шифокорларни танлаб, уларнинг малакасини оширишдан бошладик, — дейди бош врач Ҳ. Ҳамидов. — Ж. Аминов, Н. Қосимова каби шифокорлар Тошкент шаҳридаги клиникаларда зарур тайёргарликдан ўтдилар. Маълумки, оғир аҳволда келтирилган беморлар касаллигини тезда аниқлаб, уларга ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Чет элдан келтирилган кардиомонитор ва бошқа асбоблар бунда жуда қўл келмоқда.

Реанимация бўлимини ташкил этишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдам берди. Бунинг учун икки юз минг сўмдан кўпроқ пул ажратилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

ШАРТНОМА МУКАММАЛ БЎЛМАГАЧ...

БУХОРОДА БУ ЙИЛГИ ТАБИИЙ ОФАТ ПУДРАТЧИ БИЛАН ЖАМОА ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН БУНДАЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ИШКАЛИНИ ОЧИҚ НАМОЁН ҚИЛГАНИ ХУСУСИДА

НИМА қилиш керак? Район ҳокими Ғофиржон Ботировнинг боши қотиб қолди. Бу районда ёкиш бошланганидан буён учинчи офат эди.

Апрелдаги дастлабки сел эндигина ниш урган сабзавот экинларига катта зарар етказган. Сўнг ўша ойнинг охирида ёғиб берган сел оқибатида пахта майдонининг тенг ярми сув остида қолган. Уч минг гектар ерда чигитни қайта экишга тўғри келганди.

Ғофиржон вилоят ҳокимига қўнғироқ қилиб юз берётган фавқулодда вазиятдан уни хабардор қилди. Бу пайтга келиб вилоятнинг жанубий чегарасида бошланган селнинг шамоли Бухорога ҳам етиб келган, ёмғир томчилай бошлаган эди. Кўп ўтмай вилоят ҳокими ўзининг муовинлари ҳамроҳлигида Олотга етиб келди. Ярим тун бўлиб қолганига қарамай, улар кучли ёмғирда дала айланиб, машиналарнинг чироғи остида ғўзанинг аҳволини кўздан кечиришди. Ғўзалар лойқа сувга ғарқ эди.

Дарҳол хўжалик раҳбарлари, туман фаоллари ҳоким кабинетида йиғилиб, кўриладиган шошилинч тадбирлар мундарижасини келишиб олишди. Кун ёришиши билан карталардан сувни қочириш ишларига киришиб кетилди.

Биз ўшанда икки-уч кун ўтгач Олотга етиб келганимизда кўпчилик майдонда табиий офат оқибатлари тугатилган эди. Деҳқончилик саноат уюшмасининг раиси Саъдулла Бобоевни «Ленин йўли» жамоа хўжалиги даласида учратдик. Бу селдан энг кўп талофат кўрган хўжаликлардан бири эди. Бир минг гектар пахта майдонидан етти юз гектари ўшанда сув остида қолган. Аҳволни тузатиб олиш учун яна бир неча кун керак эди.

— Табиий офатдан,—дейди у, — Баҳористон, Жумабозор, Денов, Чорбоғ қишлоқ кенгашлари ҳудудидаги жамоа хўжаликлари экинзорлари, айниқса, катта зарар кўрди. Айни маҳалда қардош Қорақалпоғистон жумҳуриятидан 30 тонна «С—4727» навли тезпишар чигит келтирилди. Пахта майдонининг деярли учдан бир қисмини бузишдан бошқа илож бўлмади.

Деҳқон учун экинни бузишдан аянчлироқ нарса борми? Лекин начора. Сирасини айтганда, барча хўжаликларда ҳам экинни бузишга ҳожат йўқ. Чунончи, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида бир гектарни ҳам қайта экишга эҳтиёж йўқ, ғўзалар бақувват ўсмоқда. Чунки мазкур жамоада қишлоқ хўжалик маданияти юксак даражада. Қаерда тупроққа етарли миқдорда органик ўғит киритилса, карталар маромига етказиб текисланса, ғўза заиф бўлиб ўсмайди, зарбага бардош беради.

Ўшма раиси шундай табиий офат пайтида деҳқоннинг сараги-саракка, пучагипучакка ажралишини таъкидлади. У айрим пудратчиларнинг офат пайтидаги хатти-ҳаракатига шаъма қилаётган эди. Улар селдан кейин мўл ҳосил етиштиришдан умидларини узиб, ҳатто ўзларига пудратга берилган далада ҳам қатқалоқни бузишдан лоқайдлик кўрсатишибди.

Олотдан Жондор районига ўтиб Теша Салимов номли жамоа хўжалигида бўлганимизда бу муаммони чуқурроқ ўрганишга имконият туғилди. Бир неча йил бўляптики, мазкур хўжалик синов тарзида барча соҳада тўла равишда пудрат усулига кўчирилган.

Натижа чакки эмас. Худди шу усул туфайли йил сайин мўл ҳосил етиштириляпти. Ўтган йили хўжалик вилоятда биринчи бўлиб машина терими режасини ўринлатди. Лекин йил йилга тўғри келмайди. Бу йилги синовлар деҳқон учун ҳали кўп йилларга татийди. Шундай бўлишига қарамай Бўстон Аслонов, Ғани Сатторов, Муҳаррам Тўев, Орзи Назаров сингари пудратчилар 47—50 центнерлик маррани кўзлашяпти.

Бўстон ака Аслоновни тушликдан кейин йўлда учратдик. Деҳқон биз билан суҳбатда пудрат усулини қизғин қўллаб-қувватлади. Ахир шу усул туфайли пахтакор кўкрагига шамол тегди. Фақат ўтган йил ичида унинг оиласи анча даромад кўрди. Жамоа хўжалиги раиси Ходи Одинаевнинг эса айрим ношуд пудратчилар туфайли бу усулдан хафсаласи пир бўлгани сир эмас.

Сирасини айтганда, айб бошқарув ходимларининг ўзида. Пудратчилар билан шартнома тузиш пайтида ҳар галгидек табиий офат оқибатларини тугатишни ҳотамтойлик қилиб ўз зиммаларига олишди. Энди бўлса унинг оқибатларини тугатиш харажатлари бир неча ҳисса зиёда бўляпти. Суғурта ташкилотлари унинг арзимаган қисмини қоплашга қодир, холос. Агар пудратчи бўлажак ҳосилини ихтиёрий равишда суғурта қилганида давлат барча харажатларни қоплаши мумкин эди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги шу йилдан эътиборан деҳқон хўжаликлари, пудратчи ва ижарачиларга қайта экишни ихтиёрий равишда суғурта қилишга рухсат берди. Бунинг учун унинг банкида ўз ҳисоби бўлса кифоя.

Пудратчи билан маъмурият ўртасида тузилган шартномада ернинг тупроқ структурасини яхшилаш, карталарни текислаш, экинга ишлов беришда мутахассис маслаҳатига қатъиян амал қилиш мажбуриятлари ҳам пудратчи зиммасига юклатилмади.

Дастлабки йиллар об-ҳаво шароити яхши келиб, бунинг оқибатлари сезилмади. Бу йил эса табиат эрта баҳордан деҳқонни синовга тутди. Бундай синовларга ҳар ким ҳам бардош беролмайди. Демак, ёппасига пудрат усулига кўчиш мақсадга мувофиқ эмас.

Айни маҳалда Бухоро вилоятининг кўпчилик хўжаликлари раҳбарларидан шундай мулоҳазаларни эшитасиз. Улар маълум даражада ҳақ, албатта. Лекин чинакам пудратчининг қадрига ҳам етиш лозим. Бунинг устига у билан шартномада ҳаёт бериши мумкин бўлган барча сабоқларни инобатга олмоқ зарур. Бундан иккала томон ҳам манфаатдор.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

● МАНИЛАДА бир неча кундан бери давом этаётган шахмат бўйича жаҳон олимпиадаси якунланмоқда. Мусобақа тугашига бир тур қолганда ғолиб аниқланди. Ўзбекистон шахматчилари пешқадамлар сафида боришмоқда.

Сирасини айтганда, мухлислар мустақил Ўзбекистон шахматчиларини халқаро мусобақада бунчалик муваффақиятга эришадилар, деб кутишмаган эди. Филиппиннинг Манила шаҳрига йўл олган халқаро гроссмейстер Валерий Логинов, спорт усталари Александр Ненашев, Григорий Серпер, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний ҳамда Ўзбекистон чемпиони Саидали Йўлдошевлардан иборат терма жамоамиз ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишди. Спорт устаси Сергей Пинчук бошлиқ шахматчиларимиз дастлабки учрашувлардаёқ ўзларини кўрсатишди. Очколар тўплаб мавқеларини мустаҳкамладилар. Хусусан, Индонезия (3,5:0,5), Олмония (2,5:1,5), Филиппин (3,5:0,5), Болгария (2,5:1,5), Англия (2,5:1,5), Голландия (2:2), Швеция (3:1), Грузия (3:1), Арманистон (2:1), Литва (3:1) терма жамоаларидан устун келиб, олимпиада тугаши олдидан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Россия шахматчилари эса Исроил жамоаси билан учрашувни 2:2 қилиб, 37 очко билан муддатидан олдин ғолибликни қўлга киритишди. Арманистон шахматчилари иккинчи ўринда боришмоқда. Ишончни оқлашга ҳаракат қилаётган шахматчиларимиз якунловчи учрашувни муваффақиятли ўтказиб, совринли ўринни эгаллаш билан Ватанларига қайтадилар, деб умид қиламиз.

БЕХАТО НИШОНЛАР

● ИТАЛИЯНИНГ Монтекатени шаҳрида мерганлик бўйича полиция ва ҳарбийлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистонлик нишонга олиш усталари совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Жумладан, халқаро тоифадаги спорт устаси Александр Черненко доира нишонига отишда 150 имкониятдан 143 очко тўплаб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Унинг ҳамжамоаси Сергей Игнатенко шунча имкониятдан 140 очко жамғариб, бронза медалини қўлга киритди. Яна бир спортчимиз Рафаэл Муҳаммадиёров хандақ нишонида бешинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, шу мамлакатнинг Вонато шаҳрида 800 дан ортиқ мерган иштирок этган «Бэрети» соврини учун мусобақада 100 имкониятдан 92 очко тўплаб, ғалаба қозонди.

ЯНА БИР ТАСОДИФ

● ШВЕЦИЯДА футбол бўйича ўтказилаётган қитъа чемпионати тасодифларга бойлиги билан мухлисларни ҳайратга солмоқда.

Гуруҳлардаги саралаш учрашувларида биронта ҳам очко олмаган Шотландия футболчиларининг МДҲ терма жамоасини мағлубиятга учратиши чемпионатнинг ўзига хос «совға»си бўлди. Шунингдек, мухлислар биринчи гуруҳда куч синашган Дания футболчиларини финалгача курашни давом эттиришларини тахмин ҳам қилишмаган эди. Зеро, иккинчи ярим финал учрашувида Голландия футболчилари билан майдонга тушган данияликлар ҳам чемпионатга «совға» ҳадя этишди. Улар ҳужум ва қарши ҳужумни шундай мутаносиблик билан олиб бордиларки, учрашувнинг асосий вақти 2:2 лигича қолаверди. Қўшимча 30 минутда ҳам ҳисоб ўзгармади. 11 метрлик жарима тўплари тепишга мажбур бўлинди. Ана шунда данияликлар маҳорат кўрсатиб, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шундай қилиб, ҳал қилувчи учрашув Олмония ва Дания жамоалари ўртасида ўтадиган бўлади. Чемпионликнинг кимга насиб этиши ана шу учрашувнинг қандай кечишига боғлиқ бўлиб турибди.

КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

1992 йил 21 июнь куни соат 22 дан 55 дақиқа ўтганида Наманган вилоятининг Поп нотўқима материаллар фабрикаси ишлаб чиқариш корпусида ёнғин чиқди. Курбонлар йўқ. Ёнғин келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳукумат комиссияси тузилиб, у иш бошлади. Комиссия иш якунлари ҳақида қўшимча тарзда хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси комиссияси.

ШИФО БЎЛСИН

Саодатхон Каримова. Бу исм нафақат Фарғона водийсида, қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонда ҳам таниш. Сабаби, у ўзининг сеҳрли бармоқлари-ю, шифобахш нур қудрати билан(кўпчиликни

дарддан фориғ этмоқда.

Саодатхон асли қашқарлик пири Комил-Офоқхўжанинг авлодларидан. Маълумки, Офоқхўжа ғойиблар илми соҳиби бўлган. Бир назари билан узоқ йиллар ётган беморни ўрнидан турғазувчи авлиёсифат инсон эди. Саодатхонларнинг авлод-аждодлари орасида ана шу улуғ боболари хусусида ривоят ва ҳикоятлар юради.

«...Етти яшар қизча эдим, — дейди Саодатхон, — ярим тунда тўсатдан чақнаган кучли нур қуршовида қолдим. Нур атрофимда айланарди. Ўшанда кўз ўнгимда нуроний юзли, оппоқ соқолли мўйсафид бобом — Офоқхўжанинг чеҳралари намоён бўлди. Ҳушимдан кетдим. Бу ҳол тез-тез қайтариладиган бўлди. Турли хил қудратли товушлар-у, дуо оҳангидаги овозлар келарди. Аввалига қўрқиб юрдим, кейин кўникдим. Маълум вақт ўтиб, қўлларимда алланечук ҳарорат пайдо бўлди. Яширинча кишиларни даволай бошладим. Шу-шу бўлди-ю, менинг ҳузуримга келувчилар кўпая борди».

Саодатхондан даво топганларнинг дил сўзларини тинглагач, унга ихлосимиз ортгандек бўлди. Бешариқлик Ҳ. Зоҳидова юрак касталигидан шифо топганини ёзса, қўқонлик К. Касаткина бўғинлардаги оғриқлардан халос бўлганини миннатдорчилик билан хатга битади. Саксонни қоралаган Қ. Бобоева эса унинг сеансларидан кейин оёқ оғриғидан мутлақо қутулганини севиниб билдиради.

Тўғри, кейинги пайтларда, «биотоким бор» деб ўзига одамларни ром қилувчилар сафи жуда кенгайди. Уларнинг айримлари моддий манфаат йўлида даволаса, бошқалари меҳр-мурувват йўлида кўпчиликка фойдаси тегади. Саодат Каримова ҳам кейинги тоифага киради. У Қўқон шаҳар Қизил ярим ой жамияти билан ўзаро шартномага мувофиқ ёлғиз кишилар, ногиронлар, кўп болали оналар ва ночор кишиларни беминнат, пулсиз даволайди. У Фарғона вилоятидаги Боғдод райони Боғдод посёлкаси Оқолтин кўчаси йигирма саккизинчи уйда истиқомат қилиб, ўша жойда ҳузурига дард билан келганларнинг дардини олмоқда. Унинг ажойиб тўғри сўзлик хислати бор. Агар даво излаб келган одамнинг ҳасталигини тузатишга кўзи етмаса, бу ишга қўл урмайди.

Хуллас, қўли енгил — табиат ўз карамини насиб этган халқ табиби Саодат Каримованинг ҳузурига шошилганларнинг адоғи йўқ. Илоҳим ҳар кимга ҳам шифосини берсин.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда С. Каримова.
Суратни Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган.

«Ўзбекистон овози» газетаси

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун кундузги (кд), кечки (к) ва сиртқи (с) таълимнинг биринчи курсларига қуйидаги техника-муҳандислик ва иқтисодиёт-муҳандислик йўналишлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. ГЕОЛОГИЯ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ

08.01. — Геологик тасвир олиш, конларни излаш ва қидириш. (кд, с).
08.02. — Конларни излаш ва қидиришнинг геофизик услублари. (кд).
08.04. — Гидрогеология ва инженерлик, геологияси (кд, с).
08.05. — Нефть ва газ геологияси (кд, с).
08.06. — Фойдали қазилма конларини қидиришнинг техникаси ва технологияси (кд).
09.01. — Маркшейдерлик ишлари (кд).
09.02. — Фойдали қазилмаларни ер остида қазиб олиш (кд).
09.03. — Фойдали қазилмаларни бойитиш (кд).
09.05. — Очиқ кончилик ишлари (кд).
09.07. — Нефть ва конларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (кд, с).
09.08. — Нефть-газ қувурлари ва газ-нефть омборларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш (кд, с).
09.09. — Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (кд, с).
10.04. — Электр билан таъминлаш (кончилик корхоналари учун) (кд).
11.02. — Рангли металлар металлургияси (кд).
17.01. — Кон машиналари ва ускуналари (кд).
25.13. — Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш (кд).

2. ЭНЕРГЕТИКА

* 10.01. — Электр станциялари (кд, с).
* 10.02. — Электр-энергетика тизимлари ва тармоқлари (кд, с).
* 10.03. — Гидроэлектроэнергетика (кд).
* 10.04. — Электр билан таъминлаш (соҳалар бўйича) (кд, с).
* 10.05. — Иссиқлик электр станциялари (кд).
* 10.06. — Иссиқлик электр станцияларида сув ва ёнилғи технологияси (кд).
* 10.07. — Саноат иссиқлик энергетикаси (кд, с).
* 18.01. — Электромеханика (кд, с).
* 18.03. — Электр изоляцияси, кабель ва конденсаторлар техникаси (кд, с).
* 19.06. — Метрология, стандартлаш ва сифатни бошқариш (метрология ва метрологик таъминот) (кд).
* 21.04. — Электроэнергетика тизимларини автоматик бошқаруви (кд).
* 21.05. — Саноат технологик мажмуи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электр юритгичлари (кд, с).

3. МАШИНАСОЗЛИК

12.01. — Машинасозлик технологияси (кд, к).
12.02. — Металларни қирқиш станоклари ва асбоб-ускуналари (кд, к).
12.03. — Металл қуйиш машиналари ва технологияси (кд).
12.04. — Металларга босим билан ишлов бериш машиналари ва технологияси (кд).
12.05. — Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жиҳозлари (кд, к).
12.08. — Машинасозликдаги материалшунослик (кд).
12.09. — Машиналар динамикаси ва мустаҳкамлиги (кд).
13.01. — Самолётсозлик ва вертолётсозлик (кд, к).
13.07. — Учадиган аппаратлар (кд).
15.01. — Ички ёнув двигателлари (кд, к).
15.02. — Автомобиллар ва тракторлар (кд, к).
15.03. — Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги (кд, к).
15.04. — Юк кўтариш, ташиш машиналари (кд).
16.03. — Паст ҳароратлар физикаси ва техникаси (кд, к).
17.05. — Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (кд).
19.06. — Метрология, стандартлаш ва сифатни бошқариш (сифатни бошқариш ва стандартлаш) (кд).

4. ЭЛЕКТРОНИКА-АВТОМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ

* 18.05. — Автоматлаштирилган электротехнологик тизимлар ва ускуналар (кд).
* 20.01. — Физикавий электроника (кд).
* 20.02. — Электрон техникаси материаллари ва компонентлари физикаси ва технологияси (кд).
* 20.03. — Микроэлектроника ва ярим ўтказгич асбоблар (кд, к).
* 20.05. — Саноат электроникаси (кд, к).
* 21.01. — Техника тизимларини бошқариш ва автоматлаштириш (кд, к).
* 21.03. — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (кд, к).
* 21.06. — Робототехника тизимлари ва мажмуи (кд).
* 22.01. — Ҳисоблаш машиналари, тизимлари мажмуи ва тармоқлари (кд, к).
* 22.02. — Ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқаришни автоматлаштириш тизимлари (кд, к).
* 22.03. — Лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари (кд).
* 22.04. — Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларни программа таъминоти (кд, к).
* 22.05. — Электрон-ҳисоблаш воситалари технологияси ва лойиҳалаштириш (кд).
* 23.01. — Радиотехника (кд).
* 23.03. — Радиоэлектроника воситалари технологияси ва лойиҳалаштириш (кд).

5. ИҚТИСОДИЙ МУҲАНДИСЛИК ВА БОШҚАРУВ (МЕНЕЖМЕНТ)

05.21. — Дизайн (кд).
07.01. — Машинасозлик иқтисодиёти ва бошқаруви (кд, к).
07.03. — Ёнилғи энергетика комплексининг иқтисодиёти ва бошқаруви (кд).
07.14. — Кончилик саноати ва геология қидирув ишларининг иқтисодиёти ва бошқаруви (кд).
07.16. — Ишлаб чиқаришни ташкил этиш (к, қисқартирилган).

6. ОЛМАЛИҚ ФАКУЛЬТЕТИ

09.03. — Фойдали қазилмаларни бойитиш (к).
09.05. — Очиқ кончилик ишлари (к).
11.02. — Рангли металлар металлургияси (к).
17.01. — Кон машиналари ва ускуналари (к).
17.05. — Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (к).
21.05. — Саноат технологияси мажмуи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электр-юритгичлари (кд, к).

7. АНГРЕН ФАКУЛЬТЕТИ

09.02. — Фойдали қазилмаларни ер остида қазиб олиш (к).
09.05. — Очиқ кончилик ишлари (к).
10.04. — Электр билан таъминлаш (соҳа бўйича), (кд, к).
10.05. — Иссиқлик электр станциялари (кд, к).
17.05. — Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (к).

8. АНДИЖОН УМУМ-ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

12.01. — Машинасозлик технологияси (кд, к).
12.03. — Металл қуйиш машиналари ва технологияси (кд, к).
12.05. — Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жиҳозлари (кд, к).

9. ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

09.07. — Нефть ва газ конларини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (кд, к).
09.09. — Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (кд, к).
10.04. — Электр билан таъминлаш (соҳалар бўйича). (кд).
10.05. — Иссиқлик электр станциялари (кд, к).

10. ЧИРЧИҚ ФАКУЛЬТЕТИ

12.01. — Машинасозлик технологияси (кд, к).
12.04. — Металларга босим билан ишлов бериш машиналари ва технологияси (кд, к).
17.05. — Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (кд, к).
21.03. — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (кд, к).
21.05. — Саноат технологияси мажмуи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электр юритгичлари (кд, к).

11. НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

06.02. — Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва бошқаруви (кд, с).
09.05. — Очиқ кончилик ишлари (кд).
10.04. — Электр билан таъминлаш (кд, к).
11.02. — Рангли металлар металлургияси (кд, с).
12.01. — Машинасозлик технологияси (к).
15.03. — Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги (кд, к).
17.05. — Кимё саноати машиналари ва аппаратлари (к).
21.05 — Саноат технологияси мажмуи ва қурилмаларни автоматлаштириш ва электр-юритгичлари (к).
25.13. — Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш (кд).
31.13. — Қишлоқ хўжалиги механизацияси (кд, с)

12. ЗАРАФШОН УМУМ-ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ (К)

13. ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

19.02. — Интероскопиянинг физик услублари ва ускуналари (кд).
19.05. — Биотехника ва тиббиёт тизимлари ва ускуналари (кд).
23.01. — Радиотехника (кд).

14. БУХОРО ФИЛИАЛИ

09.08. — Нефть-газ қувурлари, газ-нефть омборларининг лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш (кд).
10.04. — Электр билан таъминлаш (кд).
16.03. — Паст ҳарорат техникаси ва физикаси (кд, к).
17.05 — Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (кд).
20.05. — Саноат электроникаси (к).
21.05. — Саноат технологияси мажмуи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электр-юритгичлари (кд).

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Университетга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади: кундузги таълимга 25 июндан 31 июлгача; кечки ва сиртқи таълимга 10 июндан 10 июлгача.

2. Қабул комиссиясига топширилиши керак бўлган ҳужжатлар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У нусхасидаги тиббиёт маълумотномаси, иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчилар учун); 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат; паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

3. Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади:

— кундузги таълим учун 1 августдан 15 августгача;
— кечки ва сиртқи таълим учун 10 июлдан 25 июлгача.

4. Университетга кириш учун 3 та фандан имтиҳон топшириш белгиланган: Математика — ёзма; Физика — оғзаки; Она тили, адабиётдан диктант. (05.21 мутахассислиги бундан истисно).

5. 05.21 — «Дизайн» мутахассислигига кирувчилар техник расм, живопись, композиция ҳамда она тили ва адабиётдан кириш имтиҳонлари топширадилар.

6. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тугатган абитуриентлар (фақат) математикадан ёзма имтиҳон топширадилар. 05.21 — «Дизайн» мутахассислигига кирувчилар техник расмдан имтиҳон топширадилар.

Имтиҳонлардан «беш» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонлардан озод этиладилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар. Агар абитуриентлар ўрта маълумот асосида ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирган ва ўзлари эгаллаган ихтисосни танлаган бўлсалар, юқорида қайд этилган имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

7. Университет талабалари сафига имтиҳонлар натижасига қараб, умумий танлов асосида қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган абитуриентлардан қуйидагилар имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқига эга:

— ҳарбий хизматдан истеъфога чиққанлар ва давлат томонидан бериладиган имтиёзлар ҳақидаги гувоҳномага эга бўлганлар;

— етим ёки қаровсиз қолган абитуриентлар;

— тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг хулосасига кўра Олийгоҳда ўқиши мумкин бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

8. Кириш имтиҳонлари ўрта мактаб ҳажмида дастур асосида қабул қилинади.

Қабул бўйича қўшимча маълумотларни қабул комиссиясидан олиш мумкин.

ЭСЛАТМА

1. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун халқ хўжалигининг бирор соҳасида хизмат қилаётган шахслар қабул қилинади.

2. Юлдузча билан (*) белгиланган мутахассисликларга қабул Республика тестлаш Маркази томонидан 1992 йил 5 августда тест синовлари асосида ўтказилади.

ТАЛАБАЛИККА тест синовлари натижасига кўра Ўзбекистон Республика Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг Давлат комиссияси қарорига асосан қабул қилинади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯНИНГ МАНЗИЛГОҲИ

700095, Тошкент шаҳри, Университет шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, 209-хона. Телефон: 46-61-17.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г — 182. № 123.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.10.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.